

Узбекистон Республикаси ишмиллии  
гвардияси кўмандони ўринбосари -  
Кўриқлаш бош бошкармаси  
бошлигининг 2019 йил 07 август  
кунидаги 42-сон бўйруғига  
ИЛОВА

**Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси қўриқлаш хизмати  
томонидан жисмоний ва юридик шахсларга қўриқлаш  
хизматини кўрсатиш бўйича  
ШАРТНОМА**

Самарқандшаҳри.

1П/57-сон

2022 йил «01» январь

Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси Самарқанд вилояти Кўриқлаш бошкармаси номидан Низом асосида фаолиятюритувчи бошлиги подполковник Р.М.Номозов (кейинги ўринларда «Ижрочи» деб юритилади) бир томондан "DVTBTTESDM"DUK SAMARQAND DORI VOSITALARI TIBBIY BUYUMLARI VA TIBBIY TEHNIKA BUYUMLARI VA TIBBIY TEHNIKA EKSPERTIZASI VA STANDARTLASHTIRISH SHOBA KORXONASI номидан низом асосида фаолият юритувчи раҳбари М.Б.Бахридинов (кейинги ўринларда «Буюртмачи» деб юритилади) иккинчи томондан, биргаликда «Томонлар» деб юритилади, мазкур Шартномани кўйидагилар ҳақида туздилар:

**1-боб. Шартнома предмети**

1. Ижрочи Миллий гвардияси қўриқлаш хизмати, ҳарбийлаштирилган ва сокчилик қўриқлаши кўринишида, техник қўриқлаш пунктидан (кейинги ўринларда ТҚП деб юритилади) фойдаланган ҳолда Буюртмачининг мулкини қўриқлаш хизматини кўрсатиш мажбуриятини, Буюртмачи эса мазкур Шартнома шартларига асосан ўз вақтида кўрсатилган хизмат учун тўловларни амалга ошириш мажбуриятини олади.

**2-боб. Умуний шартлар**

**2. Буюртмачи**

Самарқанд шаҳар Мироншоҳ кўчаси 32-йда жойлашган "DVTBTTESDM"DUK SAMARQAND DORI VOSITALARI TIBBIY BUYUMLARI VA TIBBIY TEHNIKA BUYUMLARI VA TIBBIY TEHNIKA EKSPERTIZASI VA STANDARTLASHTIRISH SHOBA KORXONASIга карашли "Перукурсор саклаш омборхона" 2 дам олиш куни соат 00.00дан соат 05.00гача 1-сонли ТҚП орқали қўриқлаш учун(кейинги ўринларда объект деб юритилади) Ижрочига топширади, Ижрочи қабул қиласди.

3. Объектнинг қўриқлаш чегаралари (иморатлари, курилмалари), постларининг (йўналишлари) жойлашуви чизма-режада кўрсатилади ва мазкур Шартномага илова қилинади ҳамда унинг ажралмас қисми ҳисобланади.

4. Объектдаги кириш-чиқиш, ички объект режими Буюртмачи томонидан тасдиқланадиган кириш-чиқиш ва ички объект режимини ташкил этиш йўриқномасига мувофиқ амалга оширилади ҳамда мазкур Шартномага илова қилиниб унинг ажралмас қисми ҳисобланади.

5. Объектни техник қўриқлаш воситалари билан жиҳозлаш ва таъмирлаш Буюртмачи томонидан амалга оширилади, техник қўриқлаш воситалари Ижрочининг айби билан ишдан чиқсан ҳоллар бундан мустасно. Объектни ёнғиндан қўриқлаш ва хавф-хатар сигнализацияси билан жиҳозлаш чизмаси мазкур Шартномага илова қилинади ҳамда унинг ажралмас қисми ҳисобланади.

6. Объектни қўриқлашда Буюртмачи билан келишилган ҳолда сокчи итлардан фойдаланиш мумкин.

7. Мазкур Шартнома кучга кирган кундан бошлаб, объектда 5 иш куни ичida Миллий гвардия қўриқлаш тури йўлга қўйилади.

Объектда сокчилик қўриқлаш тури ва ҳарбийлаштирилган қўриқлаш объектга 5 иш куни ичida йўлга қўйилади.

8. Буюртмачи кўздан кечириш далолатномасида қўрсатилган талабларни бажармаганда Ижрочи қўйилмайди, қўйилган Ижрочи эса чақириб олинади.

**3-боб. Тўловларни амалга ошириш**

9. Мазкур Шартнома асосида қўрсатиладиган хизматлар нархи белгиланган тарифларга мос ҳолда кўйидагича ҳисобланади:

пост-соат ҳисобида қўриқлаш хизмати ойига 477 471 сўм (Турт юз етмиши етти минг турт юз етмиши бир) сўм, 12 ойга 5 729 652 (Беш миллион етми юз йигирма туккиз минг олти юз эллик икки) сўм;

10. Ижрочи хизматлари учун тўловларга ўзгартиришлар киритиш қонун хужжатларига мувофиқ ушбу хизматлар турига янги тарифлар тасдиқланган ҳолларда қайта кўриб чиқилади.

11. Буюртмачи мазкур Шартнома имзоланган кундан бошлаб, 7 кун ичидаги мазкур Шартнома баҳосининг 15 фоизи миқдорида аванс тўловини амалга оширади.

Ижрочи томонидан Буюртмачига бажарилган ишлар тўғрисида далолатнома тақдим қилингандан сўнг Буюртмачи беш кун ичидаги аванс тўловини чиқариб ташлаган ҳолда ойлик тўловни амалга оширади.

Буюртмачи бюджет ташкилоти ёки бюджет маблағлари олуви чиқариб бўлса, ойлик тўловнинг 100 фоизи миқдорида аванс тўловини кейинги ой бошланишидан 10 кун олдин амалга оширади.

12. Хўжалик юритувчи субъект ҳисобланган Буюртмачи мазкур Шартноманинг 11- бандида кўрсатилган ойлик тўловни (аванс тўловини) ўз вақтида тўламаса, Ижрочи Буюртмачига акцептсиз тўлов талабномасини тақдим қилишга ҳақлидир.

Мазкур Шартнома бекор қилинган ҳолларда Ижрочи Буюртмачи билан тўланган тўловлар бўйича қайта ҳисоб-китобни амалга ошириши зарур.

#### **4-боб. Томонларнинг хуқуқ ва мажбуриятлари**

13. Буюртмачи куйидаги ҳуқуқларга эга:

Ижрочидан белгиланган кўриқлаш тартибига риоя этишини талаб қилиш; хизмат кўрсатиш жараёнида Ижрочининг ходимлари томонидан интизомни бузиш ҳолатларини тўхтатиш ва йўл қўйилган камчиликларни бартараф қилиш бўйича керакли чоралар кўрилишини Ижрочидан талаб қилиш;

Ижрочининг хизматни ташкил қилиши ва амалга оширишини, кўриқлаш турларига мос бўлган кийим-бош, кийим-бош анжомлари (экипировкаси), курол-аслаҳаларининг мавжудлигини назорат қилиш;

Ижрочи томонидан мазкур Шартнома шартлари бузилишининг ҳар бир ҳолати бўйича Ижрочининг вакили иштирокида икки нусхада далолатнома тузиш;

Ижрочининг айби билан йўл қўйилган камчиликлар аниқланган тақдирда Ижрочидан уларни бартараф этишини талаб қилиш;

Ижрочи томонидан мазкур Шартнома талаблари бажарилмаган ёки лозим даражада бажарилмаганлиги натижасида етказилган зарарни ундириш.

14. Буюртмачининг мажбуриятлари:

мазкур Шартноманинг ажралмас қисми ҳисобланган 20\_\_ йил «\_\_» \_\_\_\_\_ даги кўздан кечириш далолатномасига асосан кўриқлашга топшириладиган обьектни, алоҳида хоналарни техник мустаҳкамлаш бўйича тадбирларни бажариш, ўз ҳисобидан техник кўриқлаш воситалари (объектнинг турига қараб пост қурилмалари ва уни иситиш ускуналари, постлараро алоқа, ички ва шаҳар телефонлари, ёнғиндан кўриқлаш сигнализацияси, обьект периметри бўйлаб керакли ёритиш воситалари, кулфлар, турникет, кузатиш майдончаси, шахсий текшириш хоналари, ишчи ва хизматчиларнинг шахсий буюмларини сақлаш хоналари, ёнғин ўчирувчи воситалар ва бошқалар) билан жиҳозлаш ва зарур ҳолларда уларни таъмираш;

ҳар қандай моддий қимматликларни обьект ҳудудининг девор тўсифидан 15метр узоклиқда (объект жойлашувини ҳисобга олган ҳолда) жойлаштириш;

Ижрочи билан биргаликда ҳар чорақда камидаги маҳалла обьектнинг техник мустаҳкамлигини, кўриқлашнинг техник воситалари билан таъминланганини, шу жумладан ёнғиндан кўриқлаш сигнализацияси ҳолатини текшириш кўргигини ўтказиш, аниқланган камчиликларни бартараф этиш муддатлари, Ижрочини бу ҳақда хабардор қилиш муддати ва тартибини кўрсатган ҳолда Томонларнинг вакиллари иштирокида далолатнома тузиш; белгиланган кўриқлаш режими талабларини бажариш ва техник кўриқлаш воситаларининг тегишли ҳолатини таъминлаш;

бинода режалаштирилаётган капитал таъмираш ишлари, обьектларни қайта жиҳозлаш, иш режимини ва ишлар профилини ўзгартириш, моддий қимматликларни сақлаш жойини ўзгартириш ёки янгиларини очиш, обьект ёки унинг бир қисмини бошқа шахсларга ижарага бериш ёки мулк ҳуқуқини ўтказиш, кўриқлаш турини, постлар дислокациясини ўзгартириш ёки қўшимча кўриқлаш сигнализацияси воситаларини ўрнатиш бўйича тадбирларнинг ўтказилиши ҳақида Ижрочини бундай ишларнинг бошланишидан камидаги 5 кун олдин огоҳлантириш;

объектда иш куни якунидаги кўриқлаш сигнализациясини ёки унинг носозлиги ҳолатида бу ҳақда Ижрочини огоҳлантириш ва носозлик бартараф этилмагунга қадар обьектни ташлаб кетмаслик ва белгиланган тартибда кўриқлашга топшириш. Объектни кўриқлашга топшириганлик ҳақида ТКПни хабардор қилиб, 5 дақиқадан сўнг обьектнинг кўриқлашга қабул қилингандиги ҳақида ишонч ҳосил қилиш;

объектни, ёнғиндан кўриқлаш сигнализацияси билан жиҳозланган ҳар бир алоҳида хонани кундади кўриқлашга топшириш, эшиклар қулфи, деразалар, дарчалар, люклар, вентиляция тешиклари ёпилганлигини ҳамда автоном кўриқлаш сигнализациясини ва ҳудуднинг ёритилиш ҳолатини текшириш, кўриқланадиган биноларда электр жиҳозларининг, бошқа ёнғин

манбаларининг ёқилган ҳолда қолиб кетишининг олдини олиш ва бегона шахсларнинг объектда қолишига йўл қўймаслик;

кўриқлананаётган худудда бинодан ташқарида жойлашган моддий қимматликларнинг миқдори, ассортименти, ўралган ёки қадоқланган ҳолатда қайта ҳисоб-китоб асосида қабул қилиш-топшириш журналида рўйхатдан ўтказган ҳолда ҳамда Ижрочи ва Буюртмачи вакиллари томонидан имзоланган ҳолда кўриқлашга топшириш;

махсус журналда ўз вакили томонидан имзо қўйиш йўли билан объектларни, алоҳида хоналарни кўриқлашга топшириш, кўриқлаш тугагандан сўнг кўриқлашдан чиқариш;

кўриқланадиган хоналарнинг бутунлиги бузилганлиги ҳақида ёки объектга бегона шахсларнинг кириши натижасида зарар етказилганлиги аломатлари мавжуд бўлганда зудлик билан Ижрочини хабардор қилиш ва объектга Ижрочи вакили етиб келгунига қадар кўрсатилган жойларнинг дахлсизлигини таъминлаш;

бегона шахсларга кўриқлаш ва сигнализация тамойиллари ва тизимини, шунингдек берилган пульт ракамларини ошкор қилмаслик;

Ижрочи вакилларини объектдаги ички тартиб ва техника хавфсизлиги қоидалари билан уларнинг ўз вазифаларини бажаришига оид қисми билан таништириш;

#### 15. Ижрочининг хукуклари:

Буюртмачидан объектда ўрнатилган кириш-чиқиш ва ички тартибига риоя қилинишини талаб қилиш;

мазкур шартномани тузиш, бажариш, ўзгартириш ва бекор қилиш муносабати билан зарур бўлган маълумотномалар ва бошқа хужжатларни сўраш ва олиш;

кўздан кечириш далолатномасида кўрсатилган кўриқлаш-техника воситаларини жорий қилиш бўйича Буюртмачига тавсиялар бериш.

#### 16. Ижрочининг мажбуриятлари:

объектда постлар дислокациясига (патрул йўналишига) мувофиқ кўриқлаш нарядини жорий этиш; мазкур Шартномада ва унинг иловаларига мувофиқ объектни ҳамда кўриқлашга топширилган моддий қимматликларни кўриқлашни ташкил этиш ва таъминлаш;

кўриқлананаётган худуддаги, лекин бинодан ташқарида жойлашган моддий қимматликларнинг миқдори, ассортименти, ўралган ёки қадоқланган ҳолатини текшириб, қайta ҳисоб-китоб асосида қабул қилиш-топшириш журналида рўйхатдан ўтказган ҳолда ҳамда Ижрочи ва Буюртмачи вакиллари томонидан имзоланган ҳолда қабул қилиб олиш;

объектда кириш-чиқиш ва объект ички тартибига риоя этиш, объект худудига белгиланган тартибида моддий қимматликлар олиб кирилиши ва чиқилишини назорат қилиш;

пропуск режими мавжуд бўлган объектларда кун давомида назоратдан ўтказиш пунктидан бир марталик кириш рухсатномаси билан объектга киритилган ташриф буюрувчиларнинг чиқиб кетишини таъминлаш;

объектни кўриқлаш вактида жойдаги ёнғин хавфсизлиги қоидаларининг бажарилишини таъминлаш;

объектда ёнғин чиқиши ёки ёнғиндан кўриқлаш сигнализациясининг ишлаб кетиши ҳолатида зудлик билан ёнғин бўлимига ёки Буюртмачига хабар бериш;

объектга бегона шахсларнинг кириб кетганлиги аниқланганда зудлик билан Буюртмачининг вакилини чақириш ва объектнинг дахлсизлигини таъминлаш;

ёнғиндан кўриқлаш сигнализацияси ишлаб кетган ҳолатларда сигнализациянинг ишлаб кетиши сабабларини аниқлаш ва объектни қайta топшириш учун Буюртмачи вакилини чақириши,

текшириш натижалари ва объектни қайta топшириш бўйича икки нусхада далолатнома тузиш; Ижрочининг ходимлари томонидан хизматни ташкил қилиш ва амалга ошириш, кўриқлаш турларига мос бўлган кийим-бош, кийим-бош анжомлари (экипировкаси), қурол-аслаҳаларининг мавжудлигини таъминлаш;

объектни кўриқлашга қабул қилганда ва топширганда объектдаги техник мустаҳкамлик бўйича ва кўриқлашнинг техник воситалари билан боғлик аниқланган барча камчиликлар ҳақида Буюртмачини хабардор қилиш;

Буюртмачи билан биргаликда ҳар чоракда камида бир марта объектнинг техникавий жиҳатдан мустаҳкамлигини, кўриқлашнинг техник воситалари билан таъминланишини, жумладан ёнғиндан кўриқлаш сигнализациясини текшириш кўригини ўтказиш, Буюртмачи томонидан аниқланган камчиликларни бартараф этиш муддатлари ҳамда Ижрочини бу ҳақда хабардор қилиш муддати ва тартибини кўрсатган ҳолда томонларнинг вакиллари иштирокида икки нусхада далолатнома тузиш;

Ижрочи томонидан мазкур Шартнома талбларининг ҳар бир бузилиши бўйича Ижрочи ва Буюртмачининг вакиллари иштирокида икки нусхада далолатнома тузиш ва бир нусхасини Ижрочининг раҳбарига тегишли чоралар кўриш учун бериш;

кўриқлананаётган хоналар бузилганлиги ёки мулкка етказилган зарар тўғрисида Миллий гвардия кўриқлаш хизмати навбатчи қисмига ва Буюртмачига зудлик билан хабар бериш, Миллий гвардия

қўриқлаш хизмативакили етиб келгунга қадар ҳодиса юз берган жойнинг дахлсизлигини таъминлаш.

#### **5-боб. Томонларнинг жавобгарлиги**

17. Мазкур Шартноманинг 11-бандида кўрсатилган сумманинг Буюртмачи томонидан ўз вақтида тўламаганлиги учун Буюртмачи Ижрочига ўтказиб юборилган ҳар бир кун учун кечикирилган тўлов суммасининг 0,4 фоизи миқдорида, аммо кечикирилган тўлов суммасининг 50 фоизидан ортиқ бўлмаган миқдорда пена тўлайди.

18. Ижрочининг ходими постда ва патрул йўналишларида бўлмаганида Ижрочи Буюртмачига ҳар бир кун учун мажбурият бажарилмаган қисмининг 0,5 фоизи миқдорда пена тўлайди, бирор бунда кўрсатилмаган хизматлар баҳосининг 50 фоиздан ошиб кетмаслиги лозим.

19. Пеняни тўлаш Буюртмачи ва Ижрочини ўз мажбуриятларини бузиш оқибатида етказилган зарарни қоплашдан озод этмайди.

20. Ижрочи мазкур Шартномада кўрсатилган мажбуриятларини лозим даражада бажармаганлиги натижасида Буюртмачига етказилган зарар учун моддий жавобгар бўлади.

Ижрочининг айби билан зарар етказилганлиги аниқланган ҳолларда зарар тўлик миқдорда қопланади.

21. Ижрочининг айби билан етказилган зарарнинг миқдорини аниқлаш учун томонлар вакилларидан иборат комиссия тузилиши мумкин. Бунда, зарар миқдори тегишли хужжатлар билан расмийлаштирилиб, комиссия аъзолари томонидан тасдиқланади. Низо мавжуд бўлган тақдирда зарар миқдори суднинг қарори билан аниқланади.

22. Куйидаги ҳолларда Ижрочи зарарни қопламайди:  
ижрочи шартномага кўрсатилган мажбуриятларни тўлик бажарган бўлишига қарамасдан зарар учинчи шахсларнинг жиной ҳаракатлари натижасида етказилган бўлса ва бу суднинг қонуний кучга кирган қарори билан тасдиқланса;  
қабул килиш-топшириш журналида қайд этилмаган мулкка зарар етказилганда;

буюртмачининг ходимлари томонидан ёки уларнинг айби билан зарар етказилганда.  
23. Мазкур Шартномада кўрсатилган мажбуриятларни лозим даражада бажармаганлик учун белгилangan неустойка (жарима, пена) тўлаш ҳамда зарарни қоплаш Томонларни Шартномада кўрсатилган мажбуриятларини бажаришдан озод этмайди.

#### **6-боб. Низоларни ҳал қилиш тартиби**

24. Мазкур шартномани тузиш, бажариш, ўзгarterиши ва бекор қилиш вақтида тарафлар ўртасида келиб чикадиган низолар, шунингдек етказилган зарарни қоплаш тўғрисидаги низолар қонун хужжатлари белгилangan тартибда иқтисодий суд томонидан кўриб чиқилади.

#### **7-боб. Форс-мажор**

25. Томонлар ушбу Шартнома бўйича мажбуриятлар қисман ёки тўлик бажарилмаганлиги учун, агар ушбу бажармаслик Шартнома тузилгандан кейин пайдо бўлган, енгиб бўлмайдиган куч, яъни фавқулодда ва муайян шароитларда олдини олиб бўлмайдиган вазиятлар (форс-мажор) оқибати хисобланса, жавобгарликдан озод қилинади.

26. Енгиб бўлмайдиган куч ҳолатига ҳавола қилувчи Томон бошқа Томонни бундай ҳолатлар бошланганлиги ва тамом бўлганлиги тўғрисида икки кун ичida ёзма шаклда хабардор қилиши шарт. Ушбу муддат ичida хабар бермаган Томон мазкур Шартнома бўйича ўз мажбуриятларини бажармаганлиги учун жавобгарликдан озод қилиш асоси сифатида кўрсатишга ҳақли эмас. Форс-мажор ҳолатларига сув тошқинлари, ер қимирлаши ва бошқа табиий ҳалокатлар, шунингдек эпидемиялар, ёнғинлар, портлашлар, давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларининг мазкур Шартнома ижросига бевосита таъсир кўрсатган қарорлари киради.

27. Мазкур Шартнома бўйича мажбуриятларни бажариш муддати енгиб бўлмас куч ҳолатлари амал қилган даврга мутаносиб равишда кечикирилади. Агарда форс-мажор уч ой давом этса Томонлар мазкур Шартномани бир томонлама бекор қилишга ҳақли.

#### **8-боб. Якуний қоидалар**

28. Мазкур Шартнома имзоланган кундан бошлаб кучга киради.  
Мазкур Шартнома бюджет ташкилотлари ёки бюджет маблағлари олувчилари билан тузилганда газначилик бўлинмаларида рўйхатдан ўтказилгандан сўнг кучга киради.

29. Мазкур Шартномага ҳар қандай ўзгarterиши ва қўшимчалар ёзма шаклда тузилганда ҳамда Буюртмачи ва Ижрочининг вакиллари томонидан имзоланган тақдирда ҳақиқийdir.  
Томонлар мазкур шартномани ўзгarterиши ёки бекор қилиш ҳақидаги таклифга иккинчи тарафдан рад жавоби олганидан кейингина ёки ўттиз кунлик муддатда жавоб олмаганидан кейин, шартномани ўзгarterиши ёки бекор қилиш тўғрисидаги талабни судга тақдим этиши мумкин.

30. Шартноманинг амал қилиш муддати қуйидагича белгиланади:  
хўжалик юритувчи субъектлар бўйича — Томонлар тарафидан имзоланган кундан бошлаб Томонлар ўз мажбуриятларини тўлиқ бажаргунига қадар;

бюджет ташкилотлари ва бюджет маблағлари олувчилари бўйича — белгиланган тартибда  
ғазначилик бўлинмаларида рўйхатдан ўтказилган кундан бошлаб 2022йилнинг 31 декабрь куни  
охиригача.

Буюртмачи хўжалик юритувчи субъект бўлган тақдирда Буюртмачи мазкур Шартномани бекор  
қилиш ҳақида Ижрочи Шартнома муддати тугасидан 30 кун олдин маълум қилмаса, мазкур  
Шартноманинг амал қилиш муддати худди шу муддатга ва худди шу шартларда узайтирилган  
хисобланади.

31. Агар техник қўриқлаш воситалари Буюртмачининг айби билан ишдан чиқсан, капитал ёки  
жорий таъмирлашни талаб қилса, бироқ Буюртмачи буни рад этса, Ижрочи Буюртмачига етти кун  
олдин ёзма маълум қилган ҳолда алоҳида обьектларни қўриқлашни рад этиши мумкин.

32. Буюртмачи кетма-кет уч марта мазкур Шартноманинг 11-бандида кўрсатилган тўловни  
белгиланган муддатда тўламаса, Ижрочи мазкур шартномани Буюртмачини ёзма равишда  
огоҳлантирган ҳолда бир томонлама бекор қилишга ҳақли.

33. Ижрочи кетма-кет уч марта пост ва патрул йўналишларида қўриқлаш тартибини бузса,  
Буюртмачи мазкур шартномани Ижрочини ёзма равишда огоҳлантирган ҳолда бир томонлама  
бекор қилишга ҳақли.

34. Томонлар мазкур Шартномани муддатидан олдин бекор қилиш тўғрисида 30 кун олдин ёзма  
равишда маълум қиласди.

35. Объектнинг хусусиятидан келиб чиқиб Томонлар мазкур Шартномага қонун ҳужжатларига  
мувофиқ хукуқ ва мажбуриятларини назарда тутувчи қўшимча бандлар киритишлари мумкин.

#### 9-боб. Томонларнинг юридик манзиллари ва реквизитлар

##### Ижрочи

Ўзбекистон Республикаси Миллий  
гвардияси Самарқанд вилояти  
Қўриқлаш бошқармаси

Юридикманзили: Самарқанд  
шахри, Т.Малик кўчаси 12 уй

Банк реквизитлари:

Х/Р: 21596000800470456001

МФО:00022

СТИР: 201 214264

ОКЭД:84240

“Марказий банк” Самарқанд вилоят  
бўлими

Бошқарма бошлиги

Р.М.НОМОЗОВ

(имзо, муҳр)



##### Буюртмачи

“DVTBTTESDM” DUK SAMARQAND DORI  
VOSITALARI TIBBIY BUYUMLARI VA TIBBIY  
TEXNIKA BUYUMLARI VA TIBBIY TEXNIKA  
EKSPERTIZASI VA STANDARTLASHTIRISH  
SHOBA KORXONASI

Юридикманзили: Самарқанд шаҳар.  
Мироншоҳ кўчаси 32-уй

Тел:

Банк реквизитлари:

Х/Р:

МФО:

СТИР:

ХКМ:

«DVTBTTESDM» DUK ning  
«SAMARQAND DORI VOSITALARI TIBBIY BUYUMLAR VA  
TIBBIY TEXNIKA EKSPERTIZASI VA STANDARTLASHTIRISH»  
SHOBA KORXONASI  
Indeks:140158 Samarqand shahri,Mironshox ko'chasi-32 uy  
Н\г:20208000504252163001  
Самарқандскोе отделение НБ ВЭД РУз  
МФО:00278;ИИН:204427800;ОКЭД:71200

М.Б.БАХРИДДИНОВ

(имзо, муҳр)



2022йил "01" январдаги

"ТАСДИКЛАЙМАН"

"DVVTBTTESDM"DUK SAMARQAND DORI VOSITALARI TIBBIY  
BUYUMLARI VA TIBBIY TEKHNIKA EKSPERTIZASI VA STANDARTLASHTIRISH  
SHOBA KORXONASI raxbari



М.Б.БАХРИДДИНОВ

2022 йил "01" январь

CMETA-XUCOBIG

"DVVTBTTESDM"DUK SAMARQAND DORI VOSITALARI TIBBIY BUYUMLARI VA TIBBIY TEKHNIKA  
EKSPERTIZASI VA STANDARTLASHTIRISHNOVA KORXONASI объектни

2022 йил "01" январдан бошлаб ТҚМ (ТҚД) ёрдамда кўрикланиши ташкил этиш

Р.М.НОМОЗОВ

2022 йил "01" январь

ГР	Operativniy homjashinini	Masjini	Kjipkraun typln	3a Tipnotor-A	3a Cimkapa	Tehnik xizmat kўrsatish soni va	Kўriklanish soatlari	Kўriklash summalarli	Tijorob		
									Qolperkt roteropinka	Birta usaptin tex.	Kamn usaptin tex.
1	Перукорс саклаш аптека	Мироншоҳ 32	2 Дам олиш куни	3	1-TҚП 43 000 7 000	1	29547	29547	5	0	106
											3754
											106
											3754
											397924
											477471
<b>ЖАМИ</b>											
<b>ЖАМИ ойлик тўлови:</b>											
<b>Изок:</b> Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан ойлик маошлар оширилганда смета-хисоби кайтатдан тузилади.											
<b>ТЕКШИРДИ:</b>											
Самарканд вилояти Кўриклаш бошкармаси Мониторинг Маркази бошлиги											
<b>П.АМОНИЛЛОЕВ</b>											

**ЖАМИ ойлик тўлови:** 477 471 сўм. Турт юз етмиш етти минг турт юз етмиш бир сум

Изок: Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан ойлик маошлар оширилганда смета-хисоби кайтатдан тузилади.

ТЕКШИРДИ:

Самарканд вилояти Кўриклаш  
бошкармаси МИБ бошлиги

Самарканд вилояти Кўриклаш  
бошкармаси МИБ бошлиги

С.СКОБИЛОВ

